

Жиноят қонунида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлсада, бироқ ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавфли бўлмаган қилмиш жиноят деб топилмайди

Оқдарё туман судининг 1997 йил 19 июль кундаги ҳукми билан Э. ЖК 140-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан айбли деб топилган. Унга нисбатан 3 йил ахлоқ тузатиш иши тайинланиб, у Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 7 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг 5 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармонининг 2-моддасига асосан жазодан озод қилинган.

Суднинг ҳукмига кўра, Э. жиноятни қуйидаги ҳолатларда содир этган.

1996 йил 7 мартдан 8 мартга ўтар кечаси тез тиббий ёрдам бўлимига келиб, тан жароҳати олиб ётган одамга ўз вақтида ёрдам бермаганликларини айтиб, врач У. ва ўз вазифаларини бажариб турган бошқа тиббиёт ходимларини уятли сўзлар билан ҳақоратлаб чиқиб кетган. Бироздан сўнг яна ўша ерга келиб, тиббиёт ходимларини беҳаё сўзлар билан ҳақоратлаб, уларнинг қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаган.

Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 1997 йил 28 октябрдаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари томонидан келтирилган протестда суд қарорларини бекор қилиб, жиноят ишини кам аҳамиятли бўлганлиги учун тугатиш сўралган.

Вилоят судининг раёсати қуйидаги асосларга кўра протестни қаноатлантирган.

Жиноят иши бўйича аниқланган ҳолатларга кўра, Э. туман ички ишлар бўлими Давлат автомобиль назорати ходими бўлиб, воқеа содир бўлган куни ўз хизмат бурчини ўтаётган бўлган. ДАН маскани яқинида тан жароҳати олган шахс ётганлигини кўриб, уни шифохонага юбориш мақсадида тез тиббий ёрдам

бўлимига милиция ходимини юбориб, ёрдам чақирган. Бироқ тез ёрдам машинаси узоқ вақт келмагач, у ерга ўзи ҳам бориб, тиббиёт ходимларига нисбатан кўполлик қилиб, уларни беҳаё сўзлар билан сўккан.

Иш ҳолатлари суд томонидан тўғри аниқланган бўлсада, бироқ содир этилган қилмишга баҳо беришда суд хатоликка йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 35-моддасида қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра содир этилган қилмишда ушбу Кодексда назарда тутилган аломатлари расман мавжуд бўлсада, лекин у ижтимоий хавфли бўлмаса, қилмиш жиноят деб топилмайди. Бундай ҳолатга кам аҳамиятли қилмиш, яъни ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракатлар ҳам киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 19 июлдаги «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 16-сонли қарорининг 1.4-бандида ҳам Жиноят кодексининг 36-моддасига мувофиқ, гарчи расмий жихатдан жиноят қонунида кўрсатилган бирор бир ҳаракатнинг аломатлари мавжуд бўлса ҳам, лекин унинг кам аҳамиятлилиги сабабли ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят деб ҳисобланмаслиги, шу сабабли судлар ҳар бир муайян ишни кўриш пайтида, ҳатти-ҳаракатнинг жамоат учун хавфлилик даражаси масаласини батафсил муҳокама қилиб, аниқланган ҳолатларга қараб, асослантилган қарор қабул қилишлари зарурлиги кўрсатилган.

Суд қонун нормаси ва Олий суд Пленумининг талабларига риоя қилмаган. Қилмиш Э. томонидан хизмат вазифасини бажариши пайтида, тан жароҳати олган ва ёрдамга муҳтож шахсни шифохонага тезроқ жўнатиш билан боғлиқ ҳолатда содир этилганлигига ва шу сабабли кам аҳамиятли ва ижтимоий хавфли эмаслигига эътибор бермаган.

Назорат инстанцияси суди юқоридагиларни инобатга олиб, иш бўйича чиқарилган суд қарорларини бекор қилиб, жиноят ишини ЖК 36-моддаси ҳамда ЖПК 83-моддасининг 2-қисмига асосан тугатган (4п-70-сонли қарор)